

## ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ОНА ТИЛИ СОФЛИГИГА ЭРИШИШ МАСАЛАЛАРИ

*Сирожиддин Курбонбоевич Сапарбаев*

Бош прокуратура Кадрлар бошқармаси прокурори

Ўзбек халқи тарихининг XIX аср охири XX аср бошларидаги даври тарихан қисқа вақтни ташкил этган бўлсада, халқимиз тарихий тақдирида муҳим аҳамиятга молик бўлган даврдир. Шу даврда майдонга келган жадид маърифатпарварлик ҳаракати мактаб ва маориф, матбуот, адабиёт ва санъат соҳаларида ислохотчилик ишларини амалга оширибгина қолмай, халқнинг маданий, маърифий ва руҳий ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди.

Жадидлар шароит тақозосига кўра, биринчи навбатда, халқнинг саводини чиқариш, билимини ошириш, миллий ҳис-туйғуларини ва сиёсий онгини ўстириш учун курашдилар. Ватанпарвар жадидларнинг асосий мақсадларидан биринчиси миллий истиқлол бўлса, иккинчиси, миллий тараққиёт эди.

Бу ҳақида, давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев фикр юритиб, “ўтган асрнинг бошларида юртпарвар, миллатпарвар боболаримиз “жадидчилик”, яъни янгилашни ва эркинлик, адолат ва тенглик, илм-маърифат ва миллий ўзликни англаш ғояларини байроқ қилиб, кураш майдонига мардона чиққанларини барчамиз яхши биламиз. Бу улуғ зотларнинг мақсади – жаҳолат ва қолоқлик гирдобида қолиб келаётган Туркистон халқини дунёвий илм-фан, илғор касб-ҳунарлар билан қуроллантириб, умумбашарий ривожланиш йўлига олиб чиқишдан иборат эди”<sup>1</sup> деб таъкидлаган эди.

Жадидлар ўзларнинг асарлари ва матбуотда чиқишлари орқали тараққиётга эришиш учун халқимиз турли хил майда маиший муаммолардан чиқиши, ўзларини қийнаб, тараққиётга интилиши, жаҳон илм-фани ютуқларини ўзлаштириши зарурлигини таъкидлаб келдилар.

Жумладан, **Абдулла Авлоний** ўзининг 1914 йил 25 апрелда “Садои Туркистон” газетасида эълон қилинган “**Маданият тўлқунлари**” номли мақоласида “биз қирдан қирға қочурмиз, қаршимизда маишат машаққатлари чиқуб хужум қилур, ўнгимиздан

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда.– Тошкент: Ўқитувчи, 2021. –Б. 8-9

билимсизлик ва жаҳолат келуб, жонларимизни сиқур, сўнгимиздан мусрифлик, фақирлик ва бидъатлар чиқуб йўлимизни тўсур. Дангасалик, ялқовлик, ишсизлик устимиздан босуб, бўғмак истар. Ажабо. Биздар ҳамон бу эскича ромка орасидан чиқуб қочмак истамаймиз”<sup>2</sup> деб таъкидлаган эди.

Қайд этиш керакки, бугунги кунда жаҳидлар маърифатпарварлари томонидан илгари сурилган умуммиллий ғоялардан айримлари, яъни миллий мустақил давлат барпо этиш, аҳоли саводхонлигига эришиш, очик ва эркин матбуотни яратиш ва миллатни сиёсий миллатга айлантириш каби мақсадлар ҳаётимизда тўлиқ ўз аксини топган. Аммо жаҳидлар томонидан илгари сурилган айрим масалалар, хусусан, **она тилимиз софлигига эришиш масаласи** бугунги кунга қадар ўз долзарблигини йўқотмаган. Қуйида ушбу масала хусусида тўхталиб ўтамиз.

Жаҳидлар томонидан ўз даврида халқ маънавияти ва маданияти ривожини масалалари тўғрисида анча бош қотирилган эди. Шулардан энг асосийси, умуман, жаҳидларнинг марказий муаммоларидан бири она тилимиз масаласи эди. Аввало, жаҳидлар “Чиғатой гурунги” атрофида тўпланиб, она тилимизнинг софлиги, мустақиллиги ва истиқболи учун ҳам курашганлар. Лекин улар она тилимизни бошқа тиллардан тўлиқ айириб, уни дунё билан узилган ҳолда ривожлантириш фикридан мутлақо узоқ эдилар.

Хусусан, **Бехбудий** ўзининг “Тил тўғрисида” мақоласида она тилимиз ривожланган бошқа тиллар билан алоқага киришиб улардан сўз ўрганаётган экан, сўзларни ўзининг луғат таркибига қўшаётган бўлса, буни фақат табрикламоқ керак, дейди. Шунинг учун улуғ маърифатчи тилларнинг бир-биридан ўринли луғат олишини табиий жараён деб қарайди. Энг бой тиллардан бўлган инглизчанинг ҳам “ўн минглар ила бегона луҳатларни мажбуран олганлиги”ни далил қилиб кўрсатади. Шунингдек, Бехбудий ушбу мақоласида “она тили, она тили” бу яхши орзу. Аммо тилсиз оналар тилига мактабий китоблар ёзила берса, Туркистонда ададсиз бузуқ она тиллар шеvasиға ададсиз китоблар ёзмок лозим келурки, Андижонда ёзилгани Бухорода,

---

<sup>2</sup> Абдулла Авлоний. Шеърлар, педагогик асарлар, драма, мақолалар ва саёҳатнома. Нашрга тайёрловчилар Бегали Қосимов, Олим Отинбек. – Тошкент: Забаржад Медиа, 2022. –Б. 340-341

Авлиёотада ёзилгани Қаршида англашилмайду. Чунки бизни илм ва тилсизлигимиз алардандур<sup>3</sup>” деб ёзади.

Шу сингари, **Бехбудий** ўзининг **“Икки эмас тўрт тил лозим”** мақоласида биз дунёга чиқмоқ учун ва дунёга ўзимизни танитмоқ учун фақат форсий ва туркий эмас, бугунда арабий ва русий тилларни ҳам ўрганмоғимиз кераклигини, чунки бу тилларни ҳаммаси бизга имконият беришини таъкидлайди. “Биз туркистонликларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур<sup>4</sup>” дейди. Бехбудий ўз сўзида давом этиб, туркий тилни туркистонликлар тили эканлигини, форсий тилни адабиёт тили эканлигини, араб тилини дин ва мадраса тили эканлиги ва рус тилини ўша вақтдаги замон ва техника тили бўлганлиги сабабли уларни ўрганиш лозимлигини айтади. Бехбудий ва унинг издошлари бу билан она тилини унутишга, уни бошқа тилларга алмаштиришга даъват этишмаган. Аксинча, улар она тилининг софлиги, унинг мустақиллиги учун курашиб, ҳар бир инсон ўзининг тили орқали қалбида миллат туйғусини туюшини исташган.

Буюк жадид намояндаларидан **Абдурауф Фитрат** ҳам ўзининг **“Тилимиз”** мақоласида “дунёнинг энг бой тили туркчадир, энг бахтсиз тили худ туркчадир. Тилларнинг бахтсизлиги совет ҳукумати чоғинда бўлгон бир ишдир. Бундан бурун бахтли эдилар, деганлар тилимизни ҳолини билмасдан гапирурлар<sup>5</sup>” деб таъкидлаб, туркий тилнинг жамият ҳаётидаги нуфузининг пасайиши фақатгина советлар вақтида пайдо бўлмаганлигини, бундан илгарироқ ушбу тилга форсий ва арабий тилларнинг ҳам сезиларли даражада таъсири бўлганлигини, аммо туркий тил чуқур тадқиқ этилса унинг жуда кўплаб синонимлари мавжудлиги, Навоий ўзининг “Муҳкокамат ул-луғатайн” асарида биргина “йиғламоқ” сўзининг 7 хил турларини кўрсатиб берганлигини, араб тилида келган сўзлар билан туркий тилда бўлган сўзлар

<sup>3</sup> Махмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар Б.Қосимов. –Тошкент: Маънавият, 2006. –Б. 189-190

<sup>4</sup> Ўша асар. –Б.151-153

<sup>16</sup> Абдурауф Фитрат. Шеърлар, насрий асарлар, драмалар, публицистика, тилшунослик ва адабиётшуносликка оид мақолалар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев. – Тошкент: Забаржад Медиа, 2022. –Б. 369-374



солиштирилганда туркий тилдаги сўзларнинг ўхшаш турлари бир неча марта кўплигини исболаб беради.

Шу ўринда, Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Шукур Холмирзаевнинг** **“Бу кишим – устоз, мен – шогирд”** эссесида М.Қўшжонов тилидан келтирилган куйидаги ҳолатлар диққатимизни тортади. “Ўткан кунлар”ни ўқимаган йўқдир... Ҳа. Энди эслаб кўрингизлар. Қодирий тошкентлик бўлган. Романдаги асосий қаҳрамонлар ҳам тошкентликлар. Аммо уларнинг муомаласида бирор марта “вотти-вотти” ёки “борвуз-келавуз” деган гапларни учратасизми? Мутлақо... Ҳолбуки, бунга муаллифнинг тўла ҳаққи бор эди.. Адабий тил – миллатнинг бирлигини таъминлайдиган энг зўр, энг қудратли қурол деб ўрганганмиз. Бунга Қодирийнинг ҳам, Чўлпоннинг ҳам ўша – йигирманчи йиллардаёқ ақллари етиб, ана шу қаноатни мустаҳкамлаш, халқни онгига сингдиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар...

Яқинда қўлимга бир ҳужжат тушиб қолди. Ўшанда денг, Туркистон генерал-губернаторининг махфий буйруғи вилоятлар ва бўлис ҳокимларига тарқатилган экан. Унда айтилишича, масалан, ўзбек зиёлилари мактаб очмоқчи эканми – марҳамат, очсинлар. Дарслик яратишмоқчими – марҳамат, яратсинлар. Аммо битта шарт билан: ҳар бир вилоят мактабларида дарслар ўша ернинг лаҳжасида олиб борилсин, яъни шеvasида ўтилсин. Дарслар ҳам, дарсликлар ҳам ўша шевада ёзилган бўлсин. Шунинг учунки, дейилади махфий ҳужжатда – адабий тилнинг яратилишига йўл қўймаслик керак. Нимагаки, адабий тил – ўзбекларнинг бошини бирлаштиради. Бу эса, бизнинг, яъни Чор Русиясининг манфаатларига мос келмайди, деб қайд этилганлигини таъкидалайди<sup>6</sup>.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон Фармони билан тасдиқланган “2020 - 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси”да давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш борасида жаҳид намояндаларининг бой маънавий мероси, ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга оид илмий изланишларни рағбатлантириш масаласи ҳам бу фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Хулоса ўринда айтиш мумкинки, биз она тилимиз софлигига эришиш борасида жамиятда давлат тилининг нуфузи ва мавқеини оширишга қаратилган ташкилий чора-

<sup>17</sup> Холмирзаев Ш. Сайланма: 4-жилд: Эсселар. – Тошкент: Шарқ, 2007. –Б. 294-295

тадбирларни амалга оширар эканмиз, ушбу ишлар каторида жадид маърифатпарварларининг бой маънавий мероси, ҳаёти ва фаолиятини доимий ўрганиб боришимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки тил софлигига эришиш фақат битта тилнинг дарди бўлиб қолмасдан, дунёқарашимиз ва тафаккуримизнинг таъсир этадиган бутун халқимиз эътиборидаги масала ҳисобланади.